

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

21-сон  
(105)  
2004 й.  
май

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

248. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги 617-II-сон Қонуни
249. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2004 йил 30 апрелдаги 618-II-сон қарори

### Иккинчи бўлим

250. «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 январдаги ПФ-3431-сон Фармони
251. «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида-ги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 январдаги ПФ-3434-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

252. «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 майдаги 244-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

253. «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл хукуматлари молия ташкилотлари иштироқидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солик солиш тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 16 апрелдаги 64, 2004-15, 01-02 / 19-22-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 24 майда 1366-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

254. «Чет элда ҳисобаврақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 апрелдаги 390-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 24 майда 610-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

255. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 апрелдаги 35-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 майда 611-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

256. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-сон ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 8 майдаги 10 / 7-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 майда 1204-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

257. «Тижорат банкларининг қимматли қоғозларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва қийматини тўлаб бериш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2004 йил 8 майдаги 228-В-1, 2004-07-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 майда 1216-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

258. «Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш ва сўндириш тартиби тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузурида

ги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Баш директорининг 2004 йил 10 майдаги 2004-08-сон бўйруғи.  
*(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 майда 1158-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 22 майдан 28 майгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

### **248 Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида**

#### **I. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун хужжатлари**

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун хужжатлари ушбу Қонун, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун хужжатларидан иборатdir.

##### **3-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари**

Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари қўйидагилардан иборат: кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу Қонунга мувофиқ ажратилидиган маблағлар; Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан ушбу Қонунга мувофиқ бериладиган хайрия ёрдами.

##### **4-модда. Сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари**

Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг хукуқлилиги сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принципларидир.

##### **5-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг барча учун очиқлиги**

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг мазкур партиялар аъзолари ва жамоатчилик учун очиқлиги сиёсий партияларнинг ўзи томонидан таъминланади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши ҳажми ва манбалари хақида ахборот эълон қилиб туриши керак.

##### **6-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ва бошқа маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланиши**

Сиёсий партиялар молиявий ва бошқа маблағлардан қонунда ҳамда уставлари-

да назарда тутилган мақсадларда фойдаланади. Бу маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг мол-мулки ва пул маблағлари сиёсий партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Сиёсий партияларга, уларнинг муассасалари ва ташкилотларига банк муассасаларида биттадан ортиқ ҳисоб-китоб варафига, шунингдек чет эл банкларида ҳисобваракларга эга бўлиш тақиқланади.

## **II. Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш**

### **7-модда. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш**

Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайлов яқунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш хукуқига эга бўлади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг иккига фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охирги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтмаси миқдорида шакллантирилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган давлат маблағларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик палатасига охирги сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аниqlangan натижалари асосида бу маблағларни олиш хукуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари миқдорига мутаносиб равища тақсимлайди.

### **8-модда. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштириш**

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик пала-

таси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб вараги-га белгиланган тартибида ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловолди кўргазмали ташвиқот восьиталарини нашр қилишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот восьиталарида чиқишларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Агар Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур микдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбалардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайталиши керак.

#### **9-модда. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш**

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

#### **10-модда. Давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби**

Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлариидир.

Сиёсий партияларни молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоб варакларига белгиланган тартибида ўтказилади.

Молия йили учун ажратилган, лекин шу йил мобайнида сиёсий партия томонидан фойдаланилмаган давлат маблағлари молия йили тугаганидан кейин бир ой ичida Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайталиши керак.

Сиёсий партия давлат маблағларини олишдан воз кечишга ҳақли.

#### **11-модда. Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштириш партия фаолияти тўхтатиб турилган ёки тугатилган тақдирда тўхтатиб турилади ёхуд тугатилади.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун қўйидагилар хам асос бўлиши мумкин:

қонун хужжатларида белгиланган тартибида сиёсий партиянинг қайта ташкил этилганлиги (бошқа сиёсий партияларга қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бундан мустасно);

ушбу Қонуннинг 16 ва 17-моддаларида назарда тутилган талабларнинг сиёсий партия томонидан бажарилмаганлиги;

Сиёсий партия давлат маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланганлиги, шу жумладан уставда назарда тутилган фаолияти учун ажратилган маблағлардан сайловда иштирок этишин молиялаштириш учун фойдаланганлиги.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тұхтатиб туриш ёки тугатиши тұғрисидаги қарор ушбу модданинг иккинчи қисміда назарда тутилган асосларга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қабул килинади. Давлат томонидан молиялаштиришни тұхтатиб туриш ёки тугатиши тұғрисидаги қарор устидан сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мүмкін.

Сиёсий партия құшиб юбориш ёки құшиб олиш шаклида қайта ташкил этилғанда сиёсий партияның хукуқиі вориси давлат томонидан молиялаштирилиш хукуқыга ега бўлади.

### **III. Сиёсий партияларга бериладиган хайрия ёрдами**

#### **12-модда. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами олиш хукуқи**

Сиёсий партия хайрия ёрдамини фактат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиши, ишлар бажариш тарзида ва фактат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш хукуқыга ега.

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан хайрия ёрдами бериш ихтиёрий равишида ва уларнинг фактат ўз маблағларидан амалга оширилади, ушбу Конун 15-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган манбалардан олинадиган маблағлар бундан мустасно.

Ушбу Конуннинг 15-моддасида назарда тутилган чеклашлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари сифатида оладиган иш хақига татбиқ этилмайди.

Сиёсий партия хайрия ёрдамини қабул қилишни рад этишга ҳақли.

#### **13-модда. Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан бериладиган хайрия ёрдами**

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахсидан бир йил мобайніда олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан ошаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партияның хисоб-китоб варагига юридик шахслар учун нақд пулсиз хисоб-китоблар қоидаларида назарда тутилган реквизитларни кўрсатган ҳолда ўтказади ва тўлов топшириқномасида ушбу Конуннинг 15-моддасида назарда тутилган хайрия ёрдами беришга чеклашлар йўқлиги ҳақида белги қўяди.

Хайрия ёрдами, агар ушбу мадданинг биринчи қисміда кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичиде сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан бериладиган хайрия ёрдами**

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир фуқаросидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш хақининг беш юз бараваридан ошмаслиги лозим. Ушбу чеклаш сиёсий партия аъзолари партия уставига асосан тўлайдиган аъзолик бадалларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сиёсий партияга пул маблағлари шаклидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партияниң ҳисоб-китоб варафига шахсан, паспорти ёки унинг ўрнини босувчи хужжатни тақдим этган ҳамда тўлов топшириқномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда ўз маблағларидан ўтказади.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг биринчи қисмida кўрсатилган суммадан ортиқроқ бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичida сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни қайтариши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

**15-модда. Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чеклашлар**

Сиёсий партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тариқасидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдам кўрсатиш, сафарлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан боғлик харажатларга ҳақ тўлаш орқали) хайрия ёрдами кўйидагилар томонидан берилишига йўл қўйилмайди:

- чет давлатлар;
- чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;
- халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар;
- чет эл фуқаролари;
- фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган хайрия ёрдами олинган кундан эътиборан бир ой ичida хайрия ёрдами берувчига қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

**IV. Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назорат**

**16-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ҳисобдорлиги**

Сиёсий партиялар конун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерия ҳисобдорлигини амалга оширади.

Сиёсий партия хар йили конун хужжатларида белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солик хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисбот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисбот тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варагига ҳисбот даврида келиб тушган маблағларнинг манбалари ва миқдорлари тўғрисидаги, шу маблағларнинг сарфланиши ҳақидаги, сиёсий партиянинг қиймати ҳам кўрсатилган мол-мулки тўғрисидаги, шунингдек мазкур партиянинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёрдами пул маблағларидан бошқа шаклда олинган тақдирда, сиёсий партия уни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ пул ифодасида баҳолайди ва тегишли маълумотларни, шу жумладан хайрия ёрдами берувчи ҳақидаги маълумотларни сиёсий партиянинг молиявий ҳисботига киритади.

Сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида давлат маблағларининг келиб тушиши ва сарфланиши алоҳида қисмда назарда тутилади. Бунда сиёсий партия томонидан Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблағлар алоҳида ҳисобга олинади.

**17-модда. Сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисботлари**

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қиласи ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисбот тақдим этади.

Сиёсий партиянинг ҳисботига унинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ҳисбот йилида партиянинг ҳисоб-китоб варагига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг хуносаси илова қилинади.

Сиёсий партиянинг молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисботи оммавий ахборот воситалари ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилган ҳолда кўриб чиқилади.

**18-модда. Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партиялар томонидан сарфланиши устидан назорат**

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади.

Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушишини ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланишини текшириш Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидаги ўндан бир қисмидан иборат депутатлар гурухининг мурожаатига биноан Қонунчилик палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**V. Якунловчи қоидалар**

**19-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари юзасидан давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Сиёсий партия ўз фаолиятининг молиялаштирилиши масалалари юзасидан тегишли давлат органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳара-

катлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиши мумкин.

**20-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**21-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
617-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**249 «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конуни амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **карор қиласди:**

1. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунинг мувофиқлаштиrsин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Конунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 30 апрель,  
618-II-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **250 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида**

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, республикани жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарур ва мажбурий шарти сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Белгиланган максадга эришиш учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу дастур 9-синф битирувчила-рини касб-хунар таълими тизими билан тўла қамраб олишни таъминлашга, ўқувчи-ларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ бир касбни эгаллаб олишла-рига қаратилган. Дастурга мувофиқ принципиал янги типдаги ўрта хунар ўқув муассасалари тармоғи шаклланди. Замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 533 та касб-хунар коллежи ва 54 та академик лицей барпо этилди. Коллежлар ва лицейларни куриш ҳамда жиҳозлаш бўйича мамлакатимиз индустриси яратилди. Янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит камраб оладиган ягона таълим мажмуи хисобланади. Бунда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгадир. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғли-дир.

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бутун тизимнинг энг муҳим бошланғич боскичи бўлган мактаб таълимининг ортда қолаётгани яхлит узлуксиз таълим занжирида энг заиф бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби мактаблар моддий базасининг заифлиги бўлиб, уларнинг 40 фойзга яқини типовой бўлмаган мослаштирилган биноларда жойлашган, жами 9727 та мактабдан 684 таси авария ҳолатидар. Кўпгина мактаблар марказлаштирилган иситиш системасига эга эмас, ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланмаган. Ўқувчиларнинг 28 фойздан кўпроғи икки-уч сменада ўқитилади. Мактабларнинг ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиш даражаси 29 фойзни, замонавий компьютер техникаси билан таъминланиши эса 15 фойзга яқинни ташкил қиласди. Мактабларнинг факат ярмигина спорт залларига эга, уларнинг спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиши эса 23 фойздан ошмайди. Айниқса қишлоқ жойлардаги мактабларнинг моддий базаси қониқарсиз ахволда.

Ўқитувчилар, энг аввало бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатини ра-батлантириш борасида таркиб топган тизим мактаб таълимида ҳамон заиф бўғин бўлиб қолмоқда, бунда педагоглар истеъоди, касб маҳорати уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш чоғида ҳали ҳам белгиловчи мезонга айланмаяпти.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сонли Фармойиши билан тузилган Махсус комиссия ва ишчи гурухлар томонидан республика минтақаларида бевосита бўлиб, барча умумий таълим мактаблари тўлиқ рўйхатдан ўтказилганлиги, уларнинг моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолати танқидий ва батафсил ўрганиб чиқилганлиги, мактаблар паспортлаштирилганлиги, 1 ва 2-иловаларга мувофиқ мактабларни қайта тиклаш борасидаги ишларнинг мезонлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда аниқ тип ва йўналишлари белгилаб олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифа деб хисоблансин.

Мактаб таълим тизимини тубдан яхшилашни; энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилишини; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабарининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилишини; ўқитувчилар меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилишини кўзда тутувчи Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари маъқуллансин.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг кўйидаги асосий йўналишлари белгилансин:

капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги биноларни бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқкан ҳолда умумий таълим мактабарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникиси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;

таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириши кучайтириш;

умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

3. 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларнинг бутун комплекси бажарилиши учун маъсулият Махсус комиссия (Ш.М. Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларни зиммасига юклатилсан.

Дастурни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳар бир алоҳида шаҳар ва туман бўйича ишлар жабхаси ва уларни бажариш муддатлари аниқ белгиланиши, бузиб ташланадиган, капитал реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирлаш талаб этиладиган мактаблар жойлашган манзилларнинг хариталарини тузиш кўзда тутисин ва шу асосда ҳар бир обьект бўйича тиклаш

ишилари мактаблардаги ўкув жараёнига зарап етказмаслиги учун уларни бажаришнинг аниқ дастурлари тайёрлансан.

4. Бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик маблағлари, хорижий кредитлар ва грантлар 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини молиялашнинг асосий манбалари этиб белгилансин.

Ушбу маблағларни жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида бюджетдан ташқари маҳсус Мактаб таълими жамғармаси ташкил қилинсан.

Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг маблағларидан маориф тизимини жорий молиялашга бюджет маблағлари ажратиш билан бир қаторда фақат мактабларни қайта тиклаш, уларни ўкув-лаборатория ускуналари, компьютер техникиси, мактаб парталари ва мебель билан таъминлаш борасидаги ишларни амалга ошириш мақсадидагина фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг вилоят тузилмалари зиммасига Жамғарма маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсан.

5. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини молиялаш учун мақсадли йўналтирилган хомийлик маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун хорижий кредитлар ва грантларни имтиёзли шартларда жалб этиш бўйича халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ой муддатда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин, Низомда шундай механизм кўзда тутилинки, бунда Молия вазирлиги бюджетни тасдиқлаш чоғида Дастурни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлар хажмини алоҳида сатр билан ҳар бир вилоятга етказади, айни вақтда Жамғарма орқали ана шу маблағлар вилоят хокимликлари ва Тошкент шахар ҳокимлиги хузуридаги ягона буюртмачи хизматларига етказилади;

Молия вазирлиги хузурида Жамғарманинг Ижроия дирекциясини тузиш, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашни ташкил этиш, шунингдек Ижтимоий соҳани молиялаш бош бошқармаси таркибида мактаб таълими бўйимини тузиш бўйича таклифлар икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсан, мактаб таълими бўйими зиммасига бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилсан.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси икки ой муддатда қўйидагиларни амалга оширсин:

мактабларни рўйхатдан ўтказиш асосида фойдаланилаётган мактабларни турларига қараб системалаштириш, уларнинг моддий базаси ҳозирги аҳволини баҳолаш мумкин бўлган сифат ва сон мезонларини белгилаш, бу ўринда зарур коммуникациялар, сув, иссиқлик ва мактаб инфратузилмаси мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш;

системалаштириш натижаларига кўра мактабларни тиклаш бўйича намунавий

лойиҳаларнинг бир неча вариантини ва энг юқори меъёрий харажатларини ҳар бир вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ шароитларига мослигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш, бунда улар тўрт йўналиш бўйича — эскиларининг ўрнига янги мактаблар қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш зарурлиги жиҳатидан кўриб чиқилади. Бунда асосий талаб — биринчи навбатда, хавфсизлик ва ўқув жараёни талабларига мувофиқлик ҳамда капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари шу турдаги янги мактаб қурилиши қийматидан ошмаслигини таъминлаш;

мактабларни капитал реконструкция қилиш намунавий лойиҳалари макетларининг кўргазмасини ташкил этиш, капитал ва жорий таъмирлаш намунавий лойиҳалари ва энг юқори меъёрий харажатлари альбомини тайёрлаш ва амалиётда кўллаш учун нашр этиш.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига намунавий лойиҳаларни тайёрлаш учун иқтидорли лойиҳачилар ва сметачилардан иборат ишчи гурухлари ташкил этиш хукуки берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланмаган намунавий лойиҳаларсиз ва меъёрий харажатларнинг юқори кўрсаткичисиз мактабларни тиклаш ишларининг амалга оширилиши қатъян тақиқлансан. Намунавий лойиҳаларни реал шароитга мослаштириш чоғида ундан ҳар қандай чекиниш Давархитектқурилиш қўмитаси билан келишиб олиниши зарур.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси мактабларни тиклаш ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳалар ҳамда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва коидаларига риоя этилиши учун масъул ҳисобланади.

Махсус комиссия (Ш.М. Мирзиёев) Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда республика вилоятларида манфаатдор тузилмалар билан бирга шаҳар, қишлоқ ва тоғли жойлар шароитини ҳисобга олган ҳолда намунавий лойиҳаларга риоя этиш юзасидан масъулиятни ошириш талабларини бевосита ижрочиларга етказиш учун семинар ва кенгашлар ўтказсан.

9. 2004—2009 йилларда Мактаб таълимими ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш юзасидан буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари хузуридаги ягона буюртмачи хизматларига юклатилсан.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари хузуридаги ягона буюртмачи хизматларига ўзининг вакилларини бириктирасин, уларнинг зиммасига Мактаб таълимими ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича қилинаётган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳалар, қурилиш меъёрлари ва сифатига мувофиқлигини таъминлаш масъулияти юклатилсан.

10. Махсус комиссия (Ш.М. Мирзиёев), Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва ижтимоий комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан бирга қўйидагиларни амалга оширасин:

икки ой муддатда Мактаб таълимими ривожлантириш дастурини амалга оширишга ихтисослашган мавжуд пурратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш саноати обьектларини рўйхатдан ўтказиш;

Дастурни амалга ошириш учун касб-хунар коллажлари ва академик лицейлар қурилишига жалб этилган қурилиш саноати корхоналари ва пурратчи ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш;

намунавий лойиҳалар талабларидан келиб чиқиб, мактабларни тиклашда ишлатиладиган намунавий қурилиш конструкциялари ва биримларини белгилаш ва

тасдиқлаш, экспертиза ва синовдан ўтказиш, шундан сўнг уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор идоралар билан бирга, касб-хунар коллажлари ва академик лицейларни жихозлаш бўйича тўплган тажрибадан келиб чиқиб, 2004 йил 1 октябргача:

мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган мактаб парталари, мактаблар учун мебель ва бошқа ўкув ускуналари танловини эълон қилсин ва кўргазмасини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокида мактаб ва ўкув ускуналарининг муайян турларини ишлаб чиқаришга доир давлат буюртмасининг беш йиллик дастурини ишлаб чиқсан;

мактаб ва ўкув ускуналарини ишлаб чиқариш давлат буюртмасини бериш учун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида тендер ўтказсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Коргаёнгистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларни билан биргаликда 2004 йил 1 сентябргача 2005—2009 йилларда мактабларни замонавий ўкув-лаборатория жихозлари ва компьютер техникаси билан жихозлаш бўйича маҳсус дастур тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

Мазкур Дастурни тайёрлашда қўйидагилар кўзда тутилсин:

касб-хунар коллажлари ва академик лицейларни ўкув-лаборатория ускуналари билан жихозлаш услубиёти ва амалиётини мажбурий тарзда қўллаш;

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини ижро этиш муддатларида мактабларни замонавий компьютер техникаси билан жихозлаш, ихтинослаштирилган синфлар (физика, кимё, биология ва бошқа хоналари) ташкил этиш, бунда молиялаш манбалари, уларни таъмирлаш бўйича моддий база мавжудлиги, мактабларнинг тегишли мутахассис ва ўқитувчилар билан таъминланишини хисобга олиш.

13. Узлуксиз таълим тизими учун ўкув дастурлари, дарслклар ва ўкув кўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (А.А. Азизхўжаев) Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2004 йил 1 сентябргача Умумтаълим мактаблари учун дарслклар ва ўкув-услубий кўлланмаларни нашр этиш дастурини ишлаб чиқсан ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан. Бунда давлат таълим стандартлари талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсан.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб ўқитувчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва тариф ставкалари тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан, уларда истеъододли, ўз касбига содик, таълим ва тарбия жараёнига катта хисса қўшган ўқитувчилар, биринчи навбатда, бошланғич синфлар ўқитувчиларини рафбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш кўзда тутилсан;

ўқитувчиларга ҳақ тўлаш тизимини тармоқ сеткасига ўтказиш масалалари оммавий ахборот воситаларида, маҳсус семинарлар, конференциялар ва кенгашларда кенг мухокама этилишини ташкил қилсан ва 2004 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсан.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсан.

**250-модда**

**— 16 —**

**21 (105)-сон**

16. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 май,  
ПФ-3431-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон  
Фармонига  
1-ИЛОВА

**Республика умумтаълим мактаблари моддий-техника базасииинг ҳолати**

№/№	Худудлар	Мактаблар сони	Ўқувчи-лар сони (минг киши)	Авария ҳолатидаги мактаблар сони		Капитал реконструкция қилинадиган мактаблар сони		Капитал таъмиранадиган мактаблар сони		Жорий таъмиранадиган мактаблар сони	
				Бирлик	Умумий сонига нисбатан %	Бирлик	Умумий сонига нисбатан %	Бирлик	Умумий сонига нисбатан %	Бирлик	Умумий сонига нисбатан %
	<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	9727	6177,4	684	7,0	1904	19,6	4178	43,0	2198	22,6
1.	Қорақалпогистон Республикаси	763	359,6	82	10,7	154	20,2	324	42,5	154	20,2
<i>шу жумладан вилоятлар бўйича:</i>											
2.	Андижон	744	557,1	37	5,0	159	21,4	396	53,2	80	10,8
3.	Бухоро	538	342,3	6	1,1	59	11,0	137	25,5	317	58,9
4.	Жиззах	542	265,9	62	11,4	135	24,9	260	48,0	44	8,1
5.	Қашқадарё	1088	623,6	237	21,8	147	13,5	443	40,7	192	17,6
6.	Навоий	377	200,3	36	9,5	38	10,1	183	48,5	88	23,3
7.	Наманган	673	512,5	0	0,0	146	21,7	335	49,8	145	21,5
8.	Самарканд	1195	741,1	42	3,5	305	25,5	478	40,0	275	23,0
9.	Сурхондарё	824	517,5	23	7,5	125	40,6	103	33,4	29	9,4
10.	Сирдарё	308	152,8	108	13,1	82	10,0	367	44,5	232	28,2
11.	Тошкент	897	520,0	16	1,8	280	31,2	281	31,3	159	17,7
12.	Фарғона	910	689,4	0	0,0	167	18,4	299	32,9	395	43,4
13.	Хоразм	536	342,4	28	5,2	78	14,6	313	58,4	86	16,0
14.	Тошкент шаҳри	332	352,9	7	2,1	29	8,7	259	78,0	2	0,6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон  
Фармонига  
2-ИЛОВА

**Республика умумтаълим мактабларининг ўкув-лаборатория  
ускуналари билан жиҳозланиш ҳолати**

№/№	Худудлар	Мактаб-лар сони	Кабинетлар ва лабораториялар								Дарс-никлар билан таъминланиш	
			Физика		Кимё		Биология		Информатика			
Сони	Жиҳозланиш даражаси (%)	Сони	Жиҳозланиш даражаси (%)	Сони	Жиҳозланиш даражаси (%)	Компьютер синф-комплектлар сони	Ишчи ўринлари сони	Жиҳозланиш даражаси (%)				
	Ўзбекистон Республикаси	9727	6780	30,3	6324	29,5	5596	28,2	1431	14838	14,7	82,8
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	763	375	24,5	320	21,7	250	20	89	909	11,7	70,9
<i>шу жумладан вилоятлар бўйича:</i>												
2.	Андижон	744	642	34,0	612	32,0	448	32	148	1501	19,9	80,6
3.	Бухоро	538	478	53,8	436	52,8	406	52,9	119	1220	22,1	91,1
4.	Жizzах	542	388	30,00	335	28	317	31	82	841	15,1	85,8
5.	Қашқадарё	1088	747	36,00	791	38	611	36	106	1048	9,7	83,9
6.	Навоий	377	151	29,10	16	27,4	99	25,7	84	847	22,3	86,8
7.	Наманган	673	478	34,80	491	35,7	400	29,1	162	1782	24,1	91,0
8.	Самарқанд	1195	767	28,00	673	21	659	21	109	1110	9,1	66,2
9.	Сурхондарё	824	416	31,10	444	34,1	302	27,2	83	930	10,1	74,9
10.	Сирдарё	308	260	13,70	227	13	185	16,9	51	561	16,6	89,7
11.	Тошкент	897	601	29,20	576	27,2	563	28,8	110	1152	12,3	66,3
12.	Фарғона	910	763	30,0	754	31,0	695	26	129	1312	14,2	89,7
13.	Хоразм	536	384	16,50	349	16,8	301	16,5	78	802	14,6	87,1
14.	Тошкент шаҳри	332	330	34,00	300	34	360	31	81	823	24,4	94,7

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **251 Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўл-лаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар хукуқларини химоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, бошқа давлат тузилмалари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оиласда, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар ислоҳотларнинг мавқеи даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этсин.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг вазифаларни тақсимлаш бўйича улар зиммасига юклатиладиган ваколатлар доираси жиддий равишда қайта кўриб чиқилсин ва фаолиятига кенг йўл очиб берилсан.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансан:

хотин-қизларни ижтимоий-хукукий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашишлари соҳасидаги умуммиллий сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбик қилиш;

хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оиласи шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмунини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий хукуқларини рӯёбга чиқариш ва химоя қилиш, бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онигига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш ўйлидаги уринишларига қарши қаратилган ишларни самараали ташкил қилиш;

хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлашириш ва улар билан самараали ҳамкорликни таъминлаш, бу ташкилотларнинг саъй-

ҳаракатларини жамиятни модернизациялаш ва демократии янгилаш жараёнларида, Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишларга йўналтириш.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига, ўз олдида турган вазифаларни хисобга олган ҳолда, республика хотин-қизларининг жамоат ташкилоти сифатида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги таҳирдаги Низомини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

### 3. Куйидагилар:

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ишчи аппарати бошкарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 кишидан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари — тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратлари тузилмалари 2—4-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига:

худудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларда;

таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-куватлансин.

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг лавозим маошлари Ягона тариф сеткаси бўйича 5 (қишлоқ жойларда) ва 6 (шаҳарларда) разрядлари даражасида белгилансин.

Маҳаллалар аппарати тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва янги штатлар жадвалига мувофиқ янги лавозимлар билан тўлдириш борасидаги масъулият шахсан туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда маҳалла, посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгашларининг раислари зиммасига юклатилсин.

### 5. Туман (шаҳар) ҳокимликлари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ахолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллый-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни саклаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обручи ва фаол хотин-қизларни тайинласинлар;

қилинган ишларнинг натижалари тўғрисида 2004 йилнинг 1 декабрига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ахборот тақдим этсинлар.

6. Хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг ишини ташкил қилиш борасидаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида Аддия вазирлиги (А. Полвонзода) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда 2004 йилнинг 1 ноябрига қадар «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ хотин-қизларнинг республика ва минтақавий нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш ҳамда қайта рўйхатга олиш бўйича зарур кўмак ва ёрдам берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М. Нурмуродов) 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари — тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратларига қўшимча равишида киритилаётган лавозимларни;

тарбиячи-педагог лавозимларини тугатиш натижасида бўшайдиган маблағлар хисобига фуқаролар йиғинлари кенгашларининг аппаратларидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларини таъминлашга давлат бюджетидан зарур маблағ ажратилишини кўзда тутсин.

8. Ўзтелерадиокомпания (А. Кўчимов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р. Шоғуломов), ЎзА (М. Ҳазраткулов)га Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлашга қаратилган фаолиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Р. Шоабдураҳмонов) икки ой муддатда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аппаратини жойлаштириш учун бино ажратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А. Полвонзода) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритидаиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Махкамасига тақдим этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 марта «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг З-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.


12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С. Иномова ва Р. Азимов зиммасига юклатилсин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 май,  
ПФ-3434-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2004 йил 25 майдаги  
ПФ-3434-сонли Фармонига  
1-ИЛОВА

### Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ишчи аппарати тузилмаси




Хотин-қизлар қўмитасининг ишчи аппарати бошқарув ходимларининг умумий сони — 18 киши

Хотин-қизлар қўмитасининг ишчи аппарати республика бюджети ҳисобидан таъминланади


Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2004 йил 25 майдаги  
ПФ-3434-сонли Фармонига  
2-ИЛОВА

**Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Хотин-қизлар  
қўмиталари ҳамда уларнинг ишчи аппаратлари намунавий тузилмаси**




Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2004 йил 25 майдаги  
ПФ-3434-сонли Фармонига  
З-ИЛОВА

**Шаҳарлар — вилоят марказлари Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг ишчи  
аппаратлари намунавий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2004 йил 25 майдаги  
ПФ-3434-сонли Фармонига  
4-ИЛОВА

**Вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, қишлоқ ва шаҳар туманлари Хотин-қизлар  
қўмиталари ва уларнинг ишчи аппаратлари намунавий тузилмаси**



Ишчи аппарати бошқарув ходимларининг умумий сони — 2 киши

Ишчи аппарати туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида ташкил этилади ва маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминланади

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **252    Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида**

Ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафакур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига кўшган улкан хиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи фояларини ватандошларимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда буюк алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Қайд этилсинки, ушбу Марказ таркибига Абдухолик Фиждувоний ёдгорлик мажмуаси ҳам киритилади.

Марказ фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган Бошқарув кенгаши таркиби иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин:

— ноёб меъморий иншоот ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдухолик Фиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб дараҷасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш;

— ушбу муқаддас қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини ўюстириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

— Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асрларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларни ҳалқимизга етказиши;

— диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётбахш ўғитларидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой муддатда Марказ Низомини тасдиқлаш, уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиказиш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш тавсия этилсин.

4. Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бухоро вилоят бўлимида очиладиган ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очиқ экани қайд этилсин.

---

\* Илова берилмайди.

Мазкур маблағлар Марказ фаолиятини ташкил этиш ва доимий такомиллаштириб бориш, ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш учун йўналтирилиши кўзда тутилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдухолик Гиждувоний ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш, жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда Марказга тегишли ёрдам кўрсатсинлар.

6. Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли ҳалқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Марказга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдлари маънавий меросининг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш, бу улуф зотларнинг хаётини ўрганиш, номларини улуғлаш, эзгу ўғитларини тарғиб қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларни янада кенгроқ ёритиб бориш тавсия этилсин.

Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси З. Ҳуснидинов ва Бош вазир ўринbosари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 27 май,  
244-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ  
 ҚАРОРИ

**253** **Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солик солиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
 24 майда 1366-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 3 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси, «Давлат солик хизмати тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия институтлари, шунингдек чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари билан тузилган халқаро шартномалари ва битимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари ҳисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солик солиш тўғрисида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсан.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 16 апрель,  
 64-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Давлат солиқ құмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 апель,  
2004-15-сон

**Давлат божхона құмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 апель,  
01-02/19-22-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ҚАРОРИ**

**254 Чет әлда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар  
бериш тартибиға ўзгартыриш ва қўшимчалар кири-  
тиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
24 майда 610-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 3 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Валютани тартиба солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. «Чет әлда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартиби»га иловага\* мувофиқ ўзгартыриш ва қўшимчалар киритилсин (1999 йил 22 январь, рўйхат раками 610-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон).
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 17 апель,  
390-2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ҚАРОРИ

**255 Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл валюта-  
сида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгар-  
тириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
26 майда 611-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 5 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Валютани тартибига солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. «Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл валютасида касса операцияларни юритиш тартиби»га (1999 йил 22 январь, рўйхат рақами 611-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 17 апрель,  
35-2-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ҚАРОРИ

**256 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга 4-сон ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
26 майда 1204-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 5 июндан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга 4-сон ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 22 январда 1204-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга 4-сон ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигига Давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 май,  
10/7-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2004 йил 8 майдаги 10/7-сонли қарори  
билин  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат  
банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош  
бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга  
нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги  
низомга 4-сон ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
- «5. Тижорат банклари Бошқаруви раислари, уларнинг ўринbosарлари, бош

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

бухгалтерлари, вилоят ва туман филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари қўйидаги ҳолларда тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас деб топиладилар ва ўз навбатида улар бу лавозимларга тайинланиши мумкин эмас:

олий иқтисодий маълумотга эга бўлмаган шахслар;

амалга оширган харакатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий ахволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий ахволи ёмонлашган банклар ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилар (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп микдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар);

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-харакатида нотўғри иш олиб бориш ва вижданан иш юритмасликни намоён қилган шахслар;

ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар бир банкда раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида бирга ишласа.

Алоҳида ҳолларда, тижорат банки Бошқаруви тавсияси асосида банкларнинг туман филиаллари бош бухгалтерлари лавозимларига иқтисодий ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган номзодларни маълумоти бўйича Комиссия карор қабул қилиш хукуқига эга. Шунингдек, тижорат банкларининг туман филиаллари раҳбарлари лавозимларига олий маълумотга эга бўлган ҳамда иқтисодий мутахассислик бўйича олий ўқув юртида таълим олаётган номзодлар тавсия этилиши мумкин.».

2. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Тижорат банклари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари (Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган ва тижорат банклари Бошқаруви раислари лавозимлари бундан мустасно) эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши масаласи тижорат банки Бошқаруви тақдимномаси асосида Комиссияни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Тижорат банклари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилганда, буни тасдиқловчи буйруқ нусхаси З иш куни муддат ичиди Марказий банкнинг Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига етказилиши ҳамда ушбу ўринларга тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг 1-иловада кўрсатилган хисоб-тавсифлов хужжатлари кўриб чиқиши учун 15 кун муддатда Комиссияга тақдим этилиши лозим.».

3. 20-банд қўйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тижорат банклари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари тавсия этилган лавозимига мувофиқ деб топилган санадан бошлаб 10 кун муддат давомида лавозимида тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани мазкур тижорат банкининг ходимлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан Марказий банкнинг Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига тақдим этилиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ДАВЛАТ МУЛКИ ҚҮМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ  
ҶОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ  
ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНинг  
ҚАРОРИ

**257 Тижорат банкларининг қимматли қофозларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва қийматини тўлаб бериш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
26 майда 1216-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 5 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қофозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофикалаштириш ва назорат қилиш маркази **қарор қиласидар**:

1. Тижорат банкларининг қимматли қофозларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва қийматини тўлаб бериш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 12 февраль, рўйхат рақами 1216-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 3-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 май,  
228-B-1-сон

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофикалаштириш ва назорат қилиш маркази директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 май,  
2004-07-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**258 Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқаришни  
давлат рўйхатидан ўтказиш ва сўндириш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
26 майда 1158-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 5 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 7 июнда тасдиқланган Корпоратив облигацияларни чиқариш, чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 10 июль, рўйхат рақами 1158-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 май,  
2004-08-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия вазирлиги маълум қилади:  
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
 2004 йил 22 майдан 28 майгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси томонидан жалб қилинадиган ва кафолатланадиган қарз маблағлари хисобига халқаро молия институтлари ва чет эл ҳукуматлари молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га солик солиши тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 16 апрелдаги 64, 2004-15, 01-02 / 19-22-сон қарори.

**2004 йил 24 майда 1366-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 июндан кучга киради).**

2. «Чет элда хисобваракларни очиш учун руҳсатномалар бериш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 17 апрелдаги 390-2-сон қарори.

**2004 йил 24 майда 610-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 июндан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютаси билан касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 17 апрелдаги 35-2-сон қарори.

**2004 йил 26 майда 611-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 5 июндан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомга 4-сон ўзгартириш қўшимчаларни тасдиқлаш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 17 апрелдаги 10 / 7-сон қарори.

**2004 йил 26 майда 1204-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 5 июндан кучга киради).**

5. «Тижорат банкларининг қимматли қофозларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва қийматини тўлаб бериш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиши марказининг 2004 йил 8 майдаги 228-В-1, 2004-07-сон қарори.

*2004 йил 26 майда 1216-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 5 июндан кучга киради).*

6. «Корпоратив облигацияларни чикариш, чикаришни давлат рўйхатидан ўтказиш ва сўндириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиши маркази бош директорининг 2004 йил 10 майдаги 2004-08-сон бўйруғи.

*2004 йил 26 майда 1158-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 5 июндан кучга киради).*